

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАБАЕВ ЖАҲОНГИР АБДИСАЛИМОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ
ОҒЗАКИ НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(спорт терминлари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Кенжабаев Жаҳонгир Абдисалимович

Жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ
компетенциясини ривожлантиришнинг лингводидактик хусусиятлари
(спорт терминлар мисолида) 3

Кенжабаев Жаҳонгир Абдисалимович

Лингводидактические особенности развития устной речевой компетенции
студентов направления образования физической культуры
(на примере спортивных терминов) 29

Kenjabaev Jakhongir Abdisalimovich

Linguodidactic features of the development of oral speech competence of students
of educational direction of physical culture (on the example of sports terms) 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАБАЕВ ЖАҲОНГИР АБДИСАЛИМОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ
ОҒЗАКИ НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(спорт терминлари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1652 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdchi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Обруева Гулчехра Ҳамроқуловна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Хошимова Дилдора Ўриновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Рахимов Аброр Аҳмедович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «9» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой, 93. Тел.: (998366) 238-29-37; Факс: (998366) 210-00-18; E-mail: info@samdchti.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61237 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой, 93. Тел.: (998366) 238-29-37; Факс: (998366) 210-00-18;

Диссертация автореферати 2022 йил «25» Ноябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил «24» Ноябрь даги 53 - рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signatures in blue ink over the stamp]

И.М. Тухтасинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ғ.Қ. Мирсанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

Ш.С. Сафаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг интеграциялашуви шароитида соҳага йўналтирилган инглиз тилини (ESP (English for Specific Purposes) ўқитиш зарурати ҳамда тил ўқитишнинг коммуникатив ёндашувига асосланган оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Бунда талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириш мотивациясини ривожлантиришда когнитив-ахборот, миллий-маданий, компетенциявий парадигмалардан фойдаланиш, ўқитиш сифати диагностикасини амалга ошириш, танқидий фикрлаш ва ривожлантирувчи таълим технологияларини лойиҳалаштириш, замонавий мутахассисларни тайёрлашда олий таълим ҳамда ишлаб чиқаришдаги синергетик интеграцияни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Россия, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб давлатларда нофилологик олий таълим муассасалари талабаларига хорижий тилларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз ўрнида, мамлакат ва минтақалараро оммалашиб бораётган спорт ўйинлари ва мусобақалари туфайли давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишида муносиб ҳисса қўша оладиган, турли мураккаб профессионал масалаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали спорт ўйинлари буйича мутахассислар тайёрлашга бўлган талаб ҳам кучаймоқда.

Дунё амалиётида бугунги кунда қардош ва қардош бўлмаган тилларга қизиқиш, бошқа халқлар маданияти, урф-одат, анъаналарининг мулоқатга таъсирини асослаш, айниқса, нофилологик университетлар талабаларини чет тилига ўқитиш методикаси ва фанлараро алоқадорлик масалалари билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, нофилологик йўналишларда инглиз тилини ўқитиш мазмуни ESP (махсус мақсадларда инглиз тили), нофилологик олий таълим муассасаларида айрим фанларни инглиз тилида ўқитиш CLIL (Stand for Content and Language Integrated Learning), EMI (English as a Medium of Instruction), онлайн таълимни ривожлантириш ва бунда талабалар билимини баҳолаш DPAP (Digital Practices and Assessment Pedagogy) каби таълим шакллари жорий қилиш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, ушбу хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш заруриятга айланганини изоҳлайди. Шу жиҳатдан, жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларига соҳага йўналтирилган инглиз тилини фанлараро боғлиқликда ўқитиш ҳамда ёзма ва оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш, тинглаб тушуниш, ёзув ва гапириш кўникмаларини шакллантириш зарурати долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юртимизда инглиз тилини чуқур ўқитишга нисбатан катта эътибор қаратилиб, илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрларни тайёрлаш ва ушбу йўналиш бўйича илмий ишлар олиб бориш, ўргатиш

методологиясини такомиллаштириш лозимлиги»¹ билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Бунда талабаларнинг оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш, нофилологик олий таълим муассасаларининг жисмоний маданият факультетларида соҳага йўналтирилган ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва хорижий тилларни пухта ўзлаштирган турли соҳа мутахассисларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон фармонлари, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон Қарори, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус”нинг “Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган” иккинчи йўналиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 январдаги “Хорижий тилларни ўрганишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 34-сон қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада талабаларни таълим жараёнида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришга ўргатиш масалалари Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, И.Тухтасинов, Т.Сатторов, У.Хошимов, Д.Хошимова, С.А.Мисиров, У.Машарипова, Ф.Р.Қодирова, кабиларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Туракурғон тумани, Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/prezidentimiz-isokhon-ibrat-mazhm>. Мурожаат санаси: 16.10.2018 й.

² Ахмедова Л.Т., Кон О.В. Методика преподавания русского языка. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. – 240с. Ж.Ж.Жалолов. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т, 2012. – 432 б.; И.М.Тухтасинов. Развитие профессионально на основе эквивалентности при подготовке переводчиков. ; дис .док .пед.наук (DSc)- Ташкент, 2018 –203. ; Сатторов Т.К. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш –Т.: ТДЮИ, 2003. -196 б.; Хошимов У.Понимание иноязычного текста как акт межкультурной коммуникации // Глядя в будущее: Первый советско-американский симпозиум по теоретическим проблемам преподавания и изучения иностранных языков. (17-21. X. 89.) – 120-126 с.Д.У.Хошимова. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межязыкой взаимодействий. Дисс.док.пед.наук-Ташкент ,2007. – 209 с Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари. Дис.. .кан.пед.наук - Тошкент, 2007. -152 б; Машарипова У. Коммуникативная компетентность в развитии личности учителя // XII-международной конференции “Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития” №12-я международная конференция, – Санк–Петербург. (ЛГУ) –2014. –148-149 с.; Кодирова Ф Р.,Мактабгача ёшдаги болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикаси.–Т.: Сано-Стандарт. 2004. – 152 б.; Сатторов

Таълим жараёнининг турли босқичларида чет тилларни ўқитишда компетенциявий ёндашув ва нофилологик йўналишлар талабаларини чет тилига ўқитиш методикаси ҳамда фанлараро алоқадорлик масалалари Ф.Ш.Алимов, Г.Н.Ирмухаммедова, Н.Х.Кушиева, Д.М.Исроилова, Н.Норматоваларнинг ишларида етарлича кўриб чиқилган³.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари О.В.Акимова, Д.Н.Александров, А.С.Беляев, В.Гальскова, С.Г.Тер-Минасова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган⁴.

Хорижий давлатлар олимларидан француз педагог-психологлари Marianne Celce-Murcia, Jack C.Richards, Miguel Angel Candel-Mora Guilloteaux, Dornyei, Papi Abdollahzadeh, N.Norris ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг методик таъминотини яратиш масалаларига оид тадқиқот ишлари амалга оширилган⁵.

Юқорида келтирилган илмий изланишларда оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш фаолиятининг муайян тармоқлари кўрсатиб ўтилган бўлса-да, жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш муаммоси доирасида махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Т.К. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш –Т.: ТДЮИ, 2003. -196 б.; Хошимов У.Понимание иноязычного текста как акт межкультурной коммуникации // Глядя в будущее: Первый советско-американский симпозиум по теоретическим проблемам преподавания и изучения иностранных языков. (17-21. X. 89.) – 120-126 с.Д.У.Хошимова.Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межязыковой взаимодействия. Дисс.док.пед.наук-Ташкент ,2007. – 209 с

³ Сатторов Т.К. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш –Т.: ТДЮИ, 2003. -196 б.; Хошимов У.Понимание иноязычного текста как акт межкультурной коммуникации // Глядя в будущее: Первый советско-американский симпозиум по теоретическим проблемам преподавания и изучения иностранных языков. (17-21. X. 89.) – 120-126 с.Д.У.Хошимова.Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межязыковой взаимодействия. Дисс.док.пед.наук-Ташкент ,2007. – 209 с

Алимов Ф.Ш. Формирование письменной компетенции на английском языке (на примере нефилологических факультетов): Автореферат... док. философии (PhD). -Ташкент., 2018. -43с. Ирмухаммедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов. (на старших курсах экономических вузов). Дис...кан.пед.наук.-Ташкент, 2008.; - 208 с. Н.Х. Кушиева.Талабаларга инглиз тили ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятлари автореферат док. философии (PhD). –Тошкент., 2020. .

Исроилова Д.М. Нофилологик олий ўқув юртларида талабаларни фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш (технология факультети мисолида): автореферат док. философии (PhD). –Тошкент., 2020. – 144 с.Норматова.Н.Н Инглиз тилида ўқитишда иқтисод йўналиши талабаларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш. автореферат док. философии (PhD). –Т., 2021.

⁴ Акимова О.В. Педагогический стимулирование как средство всестороннего развития личности будущего учителя;Автореф. Дисс... кан. пед. наук, –Киев, 1889-24 с.; Александров Д.Н. Формирование учебно-познавательной активности при обучении взрослых иностранным языкам /Методы интенсивного обучения иностранным языкам-М, 1985,- 4 с.; Беляева А.С. Обучение иноязычному профессионально-ориентированному речевому общению с учетом специфики физкультурных вузов. Дисс. на соискание уч. степени доктора пед. наук, 2003. -356 с.; Гальскова Н. Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика. Учебное пособие для студ. лингв. ун-тов. и фак. ин-яз. Высш. Пед. учеб. заведений. -М.: Издательский центр “Академия”, 2004.-336 с.; Тер-Минасова. С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. (учебное пособия).-М.; Слово.; /2000.–624 с.

⁵ Marianne Celce – Murcia. Rethinking the Role of Communicative Competence in Language Teaching University of California, USA. 2007; C. Richards. Communacative Learning teaching today. - Cambridge Oxford. 2006; Guilloteaux M.J. and Dörnyei, Z. (2008) Motivating Language Learners: A Classroom-Oriented Investigation of the Effects of Motivational Strategies on Student Motivation. TESOL Quarterly, 42,55-77; Dornyei. Understanding and using English grammar. 428. 1998 UK. M. Papi and E. Abdollahzadeh Teacher Mativatiol Practice student motivation and possible L 2 selevs an Examion on the Iranian EFL context. Journal of Research in language studies. 2012. – P. 571-594. Norris.N.The Trouble with competence.//Cambridge Journal of Education.vol 21/3,-P.224-331.

Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида амалга оширилган 574099-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-CBHE-SP рақамли “Олий таълим соҳасида потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER – Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларини инглиз тилидаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилини ўрганишда оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, амалиётдаги дарсликларни таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида нутқий компетентликни ривожлантиришнинг лингводидактик хусусиятларини тадқиқ этиш;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутққа доир компетенциясини ривожланишининг лингводидактик хусусиятларини ўрганиш;

оғзаки нутқ компетенцияларини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмасини аниқлаштириш;

талабаларга инглиз тилини ўқитишда фойдаланиладиган анъанавий коммуникатив методларнинг электрон-дидактик воситалар билан узвий алоқасини таъминлаш асосида жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жисмоний маданият таълим йўналиши 2-босқич талабаларининг инглиз тилидаги оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оғзаки нутқ ривожланишининг тинглаб тушуниш, ифодали ўқиш, ёзиш, гапириш кўникмалари мазмунининг инглиз тилини ўзлаштириш стратегияларини когнитив, эмоционал, мотивацион компонентли ҳамда тасаввур кучига эга бўлиш жараёнини баҳолашга доир вазиятларга устуворлик бериш асосида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг махсус методик тизими илмий асосланган;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутқнинг лексик, грамматик, семантик ва фонологик компетенцияларини ривожлантиришнинг лингводидактик хусусиятлари (гапириш, тинглаш, ёзиш, ўқиш) инглиз тилини ўқитиш амалиётининг “L2 motivational self system” моделига мувофиқ мотивацион стратегиялар (тасаввурни шакллантириш, тасаввурни кучайтириш ва тасдиқлаш, тасаввурни ишга солиш, тасаввурни тетик сақлаш ва қарши баланслаш)га устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутқ компетенцияларини ривожлантириш тизими коммуникатив, “Мобил воситалар ёрдамида тил ўргатиш” (mobile assisted language learning, Mall) ва мото қобилиятларни ўзлаштириш усулларини “уч ўлчамли” моделга кўчириб ўтказиш орқали такомиллаштирилган;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутқ компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган технологиялар мазмуни интеграцион ёндашув ва коммуникатив методларнинг электрон-дидактик воситалар билан узвий алоқасини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларига чет тилини ўргатишга қаратилган “Мобил воситалар ёрдамида тил ўргатиш” (mobile assisted language learning, Mall) ўқув-методик таъминоти яратилган;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари учун спортга доир сўзлашув компетентлигини шакллантиришга оид “English for the physical culture students” номли ўқув қўлланмаси нашр этилган;

коммуникатив методларнинг электрон-дидактик воситалар билан узвий алоқасини таъминлаш асосида жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш бўйича электрон таълим ресурсини яратиш бўйича тавсиялар ҳамда талабаларга мотивация берувчи топшириқлар тўплами ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув асосида жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг методик

асослари, оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш, инглиз тилини ўзлаштириш қобилиятларини ривожлантиришга оид муайян илмий қарашлар шакллантирилиб, тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқилганлиги ва такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инглиз тилини ўргатиш машғулоти тузилмаси ишлаб чиқилганлиги, жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган механизмларидан давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг лингводидактик хусусиятларига оид тадқиқот ишининг илмий натижалари асосида:

оғзаки нутқ ривожланишининг тинглаб тушуниш, ифодали ўқиш, ёзиш, гапириш кўникмалари мазмунининг инглиз тилини ўзлаштириш стратегияларини когнитив, эмоционал, мотивацион компонентли ҳамда тасаввур кучига эга бўлиш жараёнини баҳолашга доир вазиятларга устуворлик бериш асосида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг махсус методик тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ амалий таклиф ва тавсиялардан Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида амалга оширилган 574099-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-CBHE-SP рақамли “Олий таълим соҳасида потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER – Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳада фойдаланилган (Термиз давлат университетининг 2021 йил 29 июндаги 04/12-1802 сон маълумотномаси). Натижада, жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, ёзиш ва оғзаки нутқ қобилиятларини янада ривожлантиришга ва касбий билимларини оширишга эришилган;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутқнинг лексик, грамматик, семантик ва фонологик компетенцияларини ривожлантиришнинг лингводидактик хусусиятлари (гапириш, тинглаш, ёзиш, ўқиш) инглиз тилини ўқитиш амалиётининг “L2 motivational self system” моделига мувофиқ мотивацион стратегиялар (тасаввурни шакллантириш, тасаввурни кучайтириш ва тасдиқлаш, тасаввурни ишга солиш, тасаввурни тетик сақлаш ва қарши баланслаш)га устуворлик бериш ва талабаларда оғзаки нутқ компетенцияларини ривожлантириш тизими коммуникатив, “Мобил воситалар ёрдамида тил ўргатиш” (mobile assisted language learning, Mall) ва мото қобилиятларни ўзлаштириш усулларини “уч ўлчамли” моделга кўчириб ўтказиш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “English for the physical culture students” номли ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-225-сон гувоҳномаси). Натижада, жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг касбга йўналтирилган инглиз

тилида илмий изланишлар олиб бориш, хорижий (инглиз тилидаги) адабиёт, электрон ресурслардан ижодий фойдалана олиш ва маълумотларни таҳлил этиш самарадорлигини оширилишига имкон яратилган;

жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутқ компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган технологиялар мазмуни интеграцион ёндашув ва коммуникатив методларнинг электрон-дидактик воситалар билан узвий алоқасини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар “English for the physical culture students” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-225-сон гувоҳномаси). Натижада, мазкур ўқув қўлланма талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини ҳамда ўқитувчи-профессорларнинг касбий малакаси даражасини оширишга хизмат қилган.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O`zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририяси томонидан “Таълим ва тараққиёт”, “Болалар учун” номли эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган (“O`zbekiston” телерадиоканалининг 2021 йил 13 сентябрдаги O`z/k-04-25-1482 сон маълумотномаси). Натижада, жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутқ компетенцияларини ривожлантиришда Smart таълим технологиясидан фойдаланиш схемаси ва Actions модели дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ тавсия ва хулосалар ҳақида радиотингловчиларга, жумладан нофилологик йўналишларда таълим берувчи хорижий тил профессор-ўқитувчилари ва талабаларга маълумот берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва

амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларига чет тилларни ўргатишнинг линводидактик, илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари томонидан хорижий тилларни ўзлаштиришнинг мотивацион хусусиятлари педагогик муаммо сифатида ўрганилиб, касбий-педагогик билимдонлик, унинг тўртта компонентлари, яъни “компетенция”, “компетентлик”, “касбий компетентлик”, мотивация ва хорижий тилларни ўзлаштиришнинг мотивацион хусусиятлари интеграцион тизими тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти очиб берилган.

Компетенция – шахсий сифат бўлиб, турли хил вазиятда педагогик фаолият ва ижтимоий ҳаётда ифодаланадиган қобилият, билим, кўникма ва малака ҳисобланади.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли, компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик” ни англатади.


Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олинишидир. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллаш билишни тақозо этади.

Жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги бўлажак мутахассисларни касбга йўналтирилган чет тилига ўқитишнинг линводидактик концепцияси талабаларнинг чет тилларида профессионал мулоқот юритиши учун зарур бўлган чет тилидаги профессионал коммуникатив компетенциясини шакллантиришни ўз ичига олади. Кўплаб тадқиқотчи олимлар томонидан олиб борилган тажрибалар “L2 motivational self system” дастурининг бир қатор ўрганиш муҳитларида қўллашнинг самарасини текширишга қаратилган ва натижалар дастурнинг самарадорлигини кўрсатади. Ушбу дастур турли хил ёш гуруҳлари учун самарадорликка эга бўлиб, жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида чет тилини ўрганиш мотивациясини ривожлантиришга хизмат қилади. Тадқиқотимиз доирасида жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари томонидан хорижий тилларни ўзлаштиришнинг мотивацион хусусиятлари интеграцион тизими такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Хорижий тилларни ўзлаштиришнинг мотивацион хусусиятлари интеграцион тизими

Ушбу модел 4 та кенг босқичдан иборат бўлган ўқитиш амалиётининг 20 та мотивацион жиҳатларини кўрсатади. Мазкур жиҳатларни белгилашда Н.Норматованинг илмий тадқиқот ишларига таянилди.



2-расм. “L2 motivational self system” такомиллаштирилган модели

“L2 motivational self system”га мувофиқ мотивацион стратегиялар иккита асосий гуруҳларга бўлинади: талабаларнинг иккинчи тил тасаввурларига эътибор қаратиш стратегиялари ва ўрганиш тажрибасини яхшилашга алоқадор бўлган стратегиялар. Бундан ташқари, ўрганиш тажрибасининг ўзини икки гуруҳга бўлиш аҳамиятлидир. Биринчиси алоҳида бир талаба билан боғланган ва иккинчиси, ижтимоий бирлик сифатидаги талаба гуруҳига алоқадор.

Талабанинг тасаввурига диққатни қаратувчи мотивацион стратегиялар таклиф қилинган кўп компонентли дастурга татбиқ этилиб, улар талабаларда лисоний қобилиятини жалб қилувчи тасаввурни ривожлантиришда ва ўрганиш учун зарур бўлган мотивация кўрсаткичларини шакллантиришга катта ёрдам беради. Ўз ўрнида, ўрганиш тажрибасининг ўзини икки гуруҳга бўлиш аҳамиятли: биринчиси индивидуал талаба билан боғланган ва иккинчиси ижтимоий бирлик сифатидаги талаба гуруҳига алоқадор.

Ушбу дастур 6 та тасаввурни ривожлантиришга қаратилган стратегиялардан иборат. Улар қуйидагилар:

- тасаввурни шакллантириш;
- тасаввурни кучайтириш;
- тасаввурни тасдиқлаш: Бунда талаба ўзида хосил бўлган тасаввурнинг ҳақиқатга яқинлиги ҳақида бош қотиради, уни англаб етиш йўлидаги тўсиқлар ва қийинчиликларни кўриб чиқиши мобайнида ҳаққонийликка таянади.

- тасаввурни ишга солиш; бу стратегиядан мақсад тил ўқитиш методлари билан иккинчи тил мотивациясини умумлаштиришдир. Бу орқали талабалар ўзларининг режаларини амалда турли хил ўрганиш стратегиялари, сценарийлар ва мувофиқ планлар орқали қўллашга муваффақ бўладилар.

- тасаввурни тетик сақлаш; бу стратегия учун биз “warm-up activities” ёки “ice-breakers” ва бошқа синф фаолиятларидан фойдаланиб, талабаларга ўзларининг тасаввурлари ҳақида эслашнинг самарали йўллари қўллаган бўламиз.

- тасаввурни қарши баланслаш: талабаларга, агар уларга берилган вазифани бажаришмаса, салбий оқибатларга олиб келишини эслатиш орқали тасаввурларини ривожлантиришга туртки берилади.

Диссертациянинг **“Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг коммунакатив компетентлигини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида жисмоний маданият талабаларининг келгуси касбий фаолиятида энг кўп дуч келиши кутиладиган вазиятларда зарур бўлган оғзаки нутқ компетенциялари ва касбга оид тил кўникмаларини (терминлар ва сўзлашиш услублари ва ҳоказолар) шакллантиришлари учун энг самарали методлар ва ёндашувлардан фойдаланиш ҳамда талабаларнинг мулоқот компетентлигини ривожлантириш методикаси, дарс жараёнида ва мустақил таълим жараёнида талабаларнинг оғзаки нутқ компетенциясини шакллантириш воситаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

“Инглиз тили” ўқув дастурининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилидаги мулоқот

компетенцияларини ривожлантиришда ўқитувчилардан нутқий компетенциянинг турли шакллари талаб қилиниши маълум бўлди.

Талабаларда прагматик қобилиятни шакллантиришда асосий урғуни нутқ хатти-харакатларининг ўзлаштирилиши асосий аҳамият касб этади. Айниқса, сўраш, таклиф қилиш, узр сўраш ва бошқа шунга ўхшаш нутқий ҳолатлар. Ана шундай нутқ хатти-харакатлари ёрдамида, табиий мулоқотнинг хорижий лисоний маданиятдаги ҳулқнинг бир қатор меъёрлари ва тил структураларини ифодаловчи тузилмаларга эга бўламиз. Талабаларга нутқ хатти-харакатларини муваффақиятли ўрганишларини таъминлашда қуйидаги стратегиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш учун таклиф этиладиган ўқув режа эҳтиёжлар анализи, вазият анализи, корпус маълумотлари ва касбий компетенциялар асосида тайёрланиб керакли форматда лойиҳаланди.

Ушбу ўқув режага интеграцион ёндашув асосида тўртта тил қобилиятларини (гапириш, тинглаш, ёзиш, ўқиш) шакллантириш учун зарур бўлган чоралар кўрилди. Гапириш ва тинглаш жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида касбий талаблардан келиб чиқадиган асосий қобилиятлар бўлганлиги сабабли энг катта диққат ана шу қобилиятларни ривожлантиришга қаратилди.

Коммуникатив тил ўқитишнинг мақсадларидан бири тилдан фойдаланишда равонликни ривожлантиришдир.

Равонлик бу - сўзловчининг коммуникатив компетенциясидаги камчиликларга қарамасдан давомли ва тушунарли алоқани сақлаш ва маъноли муносабатда иштирок этганда ҳосил бўлган табиий тилдан фойдаланишдир. Бундай жиҳатлар битимга келиш, алоқа стратегиялардан фойдаланиш, тушунмовчиликларни тўғрилаш ва алоқа бузилишларини олдини олиш каби ҳолатлардан иборат бўлган синф фаолиятларида акс этади.

Коммуникатив тил ўргатишнинг яна бир муҳим мақсади бу нутқдаги аниқликни оширишдир. Нутқдаги аниқлик деганда, тилдан фойдаланишнинг тўғри мисолларини яратиш тушунилади (тўғри гаплар, тўғри ишлатилган грамматик қоидалар). Равонлик ва аниқликка йўналтирилган таълим фаолиятлари ўртасидаги фарқларни қуйидаги жадвал ёрдамида акс эттиришимиз мумкин.

1-жадвал.

Равонлик ва аниқликка йўналтирилган таълим фаолиятлари

Равонлик гуруҳ фаолиятлари	Аниқлик гуруҳ фаолиятлари
Табиий тилдан фойдаланишни акс эттиради	Тилдан аудиторияда фойдаланишни акс эттиради
Алоқага эришишга диққатини қаратади	Тилнинг тўғри мисолларини шакллантиришга диққатини қаратади
Тилдан мазмунли фойдаланишни талаб қилади	Тил контекстдан ташқарига амалиёт қилади
Алоқа стратегияларидан фойдаланишни талаб қилади	Тилнинг кичик мисолларини амалиёт қилади
Олдиндан айтилиши мумкин бўлмаган тилни яратиш	Мазмунли алоқани талаб қилмайди
Тилдан фойдаланишни контекстга боғлаш	Тил танловини назорат қилади

Ушбу икки турдаги синф фаолиятларини талабаларга мўлжаллашда эътибор бериладиган энг аҳамиятли жиҳат ўртадаги мувозанатни сақлаш яъни равонлик ва аниқлик синф фаолиятларининг иккаласи ҳам таъминланиши керак. Чунки, бир томонга керагидан ортиқ эътибор берилиши, иккинчи бир муҳим жиҳатнинг заифлашувига олиб келиши мумкин. Синф фаолиятларини дарс жараёнига татбиқ қилишнинг самарали усуллари яна бири механик, мазмунли, ва коммуникациявий амалиётдир.

Механик машқлар ёрдамида биз талабалардаги бундай жиҳатларни шакллантириш учун авваламбор иккита турдаги синф фаолиятдан фойдаланиш зарур ҳисобланади. Булар “noticing activities” ва “structuring activities” лардир. Уларнинг ҳар бири алоҳида мақсад ва вазифаларига таянади. Жумладан, “noticing activities” талабаларга реал ҳаётдаги тилдан фойдаланишнинг қўшимча қийинчиликларисиз ўрганувчи учун тил формаларини шаффоф ва аниқ қилишни мақсад қилиб қўйса, “structuring activities” лари талабаларга уларни ўзларининг грамматика қандай структураланиши ҳақидаги ишлаётган фаразга қўшишларига имкон беради. Яъни, бунда талабалар берилган машқни муваффақиятли бажаришлари ва формаларни тўғри ва моҳирона бошқаришлари учун олдиндан ўйлашлари керак бўлади.

Талабаларда грамматик компетенцияни шакллантириш ва тилдан фойдаланишдаги қийинчиликларни аниқлаш учун ўтказилган турли хил таҳлил методлари, жумладан, интервьюлар, сўровномалар, кузатишлар асосида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики талабаларнинг кўпчилиги суҳбат мобайнида ўзлари назарда тутмоқчи бўлган маънони ифодалашда тил ресурсидан тўғри ва равон фойдаланишда талаб этиладиган ўйлаш жараёнидан хосил бўладиган вақт босими, берилган мавзу билан яқиндан танишлик, умумий билим каби факторлар уларнинг тил сифати ва маъносига таъсир этиб коммуникатив жиҳатдан фойдасиз бўлган мулоқотни шакллантиришларига сабаб бўлиши мумкинлигини англашимиз мумкин. Буни биз талабалардан олинган ушбу жавоблар орқали кўришимиз мумкин.

Бир талаба томонидан айтилган қуйидаги транскрипция ёзувларини таҳлил қилайлик.

Савол:

Tell us about the person with whom you always spend time together.

Жавоб:

So....., the person that I am going to describe is my friend. He is has very good character. He always interest me with this. We go to fitness clubs together to, oh in order to train our muscles then..... after that, we took a bus and go see-sighting. When I am shocked with the art of Buildings um-uh, she is also interested it. That is all, yeah.

Ушбу жавоб грамматик жиҳатдан пухта ишлаб чиқилмаган. Сўзларнинг тўғри ишлатилмаганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бундан кўришиб

турибдики, аввал таъкидлаб ўтилган вақт босими, берилган мавзу билан яқиндан танишлик, умумий билим каби факторларнинг таъсири юқори бўлиб, нутқ самарасини таъминлашда катта рол ўйнайди. Шу сабабдан биз ҳар қандай грамматик компетенцияни шакллантириш учун мўлжалланган таълим фаолиятини қўллашда ана шу факторларни тартибга солишимиз керак бўлади. Буларни тартибга солинишини қандай қилиб амалга оширишимизни қисқача ёритиб ўтамыз.

Маълумки, босим бизнинг тилдан фойдаланишимизга катта таъсир ўтказиб, издан чиқишига сабаб бўлади. Мисол сифатида, бирор бир интервьюда қатнашганимизда хаяжон ёки босим туфайли тилимиз айланмай қолиши, кутилмаган сўзларни айтиб юборишимиз шундай босим таъсиридаги ҳолатлардан бири саналади. Бунинг ечимларидан бири сифатида қуйидаги усулни келтиришимиз мумкин: талабаларга нимадан фойдаланиш ҳақида режа тузишлари учун вақт беришдир. Берилган режалаштириш вақтида талабалар кўрсатадиган турли хил грамматик намуналар ўзаро фарқ қилади. Жумладан, биз шакллантирмоқчи бўлган оғзаки компетенция машқлари талабаларда коммуникатив босимнинг энг юқори ҳолатини ҳосил қилади ва тилни самарали қайта структуралаш ва тартибланиш жараёнлари қийинлашувига олиб келади. Шу сабабдан, биз талабаларда гапириш кўникмасини шакллантириш фаолиятларида ва вазифаларида, бериладиган режалаштириш вақтини уларнинг тил эҳтиёжлари (яъни мавзунинг қийинлиги) ва малакаларидан келиб чиққан ҳолда белгилашга қарор қилдик. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, талабалар режа қилиш вақтини машқнинг турига қараб икки хил йўналишда сарф қилиши мумкин.

- фикрларини тайёрлаш учун (маънони ифодасини режа қилиш);
- мазмун ҳақида ўйлаш учун сарфлаш (ифода шаклини режа қилиш).

Берилган машқлар орқали талабаларнинг ушбу иккита йўлдан қайси бирига кўп вақт сарфлашларига биз жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг тил эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда таъсир ўтказишимиз мумкин. Аммо, бизнинг мақсадимиз талабаларни босқичма-босқич табиий тилдан фойдаланишдаги босимларга мослаштириб бориш бўлади. Ана шундай усуллар қаторига биз қуйидагиларни киритишимиз мумкин.

- Ёзма тайёргарлик учун вақт бериш, талабаларнинг вазифани бажарган вақтларида ёзилган эслатмаларидан фойдаланишга имкон бериш; кейинчалик улардан ҳақиқий вазифадаги эслатмаларни бир четга қуйишни сўраш; вақт ўтиб фақатгина оғзаки тайёргарликка рухсат бериш ва охирида тайёргарлик учун вақт бермаслик;

- Тинглаш фаолиятлари мобайнида, талабаларга тинглаган пайтларида ёзма транскрипциядан фойдаланишга рухсат бериш (тинглаган пайтларида аудио пауза қилиш) ва транскрипсияга қараш учун керак бўлган вақтни босқичма босқич камайтириш (тўхташлар узунлиги ва тезлигини камайтириш);

- Босқичма-босқич вазифанинг ўзини бажариш учун кетадиган вақтни камайтириш.



3-расм. Талабаларнинг инглиз тили дарсларида оғзаки нутқини ривожлантиришда зарур шароитлар

Ушбу йўллар воситасида биз босимнинг оптимал даражасини таъминлаш орқали уларни тил ресурсларини кенгайтиришга ундаймиз. Сўнгра, вақт ўтиши босимга чидамлик ва ҳақиқий ҳаёт муҳитларига ўхшашликда тилдан фойдаланишни тутиб туриш қобилиятларини ўстиришимиз керак бўлади. Буни қуйидаги расмда билан ифодаласак бўлади (3-расмга қаранг). Ҳақиқий ҳаётдаги коммуникациянинг босими остида талабалар талаб қилинган барча қобилиятларни бир вақтнинг ўзида намоён эта олишмайди. Бунга сабаб улар ўзларини бутунлай грамматика билан банд қилиб қўйишларида эмас, балки аллақачон маълум бўлган маъноларни ва фикрларни беришлари туфайли ортиқча бўлган грамматиканинг кўринишларига берилишларида дейиш мумкин. Бундай ҳолатда биз талабаларни умумий билимнинг бир қисми бўлмаган фикрлардан воз кечишларига эришишимиз мумкин бўлади. Касбий компетенцияларга мувофиқ методни қўллаш дастури жараёнидаги оғзаки нутқини шакллантириш ва тил кўникмаларини ривожлантиришдаги таълим фоалиятининг касбий мақсадлари бўлиб қолади. Биз махсус касбий компетенцияларни шакллантиришда керак бўладиган луғатлар, асосий сўзлар нутқий шакллари ҳам аниқладик.

Билиш орқали биз янги ахборотларга эга бўламиз. Хотира ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш механизмидир. Шубҳасиз, хотира фикрлаш фаолияти учун зарур манбадир. Самарали фикрлаш тасаввур қилишга таянади ва муҳим ғоялар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу моделнинг имконияти кенг бўлиб, одатдаги моделлардан кескин фарқ қилади. (4-расмга қаранг).



4-расм. Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилида оғзаки нутқини шакллантириш модели

Моделнинг мажмуавий хусусияти ақлий фаолиятнинг кенг йўллари кўрсатади, ўқитувчиларга турли усуллардан фойдаланиш имконини беради. Бу моделнинг кенг имкониятлари ўқитувчилар ва талабаларга уларнинг нутқий компетентлигини оширувчи, дарсларни жонлантирувчи бир қатор амалий ва назарий воситаларни очиб беради. Моделнинг бу параметри нутқий фаолиятнинг усуллари ва хусусиятларини акс эттиради. Билиш, хотира, самарали фикрлаш ва вазиятларни тўғри баҳолай билиш шулар жумласидандир. Ўзга тилдаги маълумотни билиш, англаш бу ахборотни тушуниш ва ҳис қилиш органлари ёрдамида амалга ошириладиган кашфиёт жараёнидир.

Диссертациянинг **“Жисмоний маданият таълим йўналиши талабалари оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Педагогик тажриба-синовга 2018-2021 йилларда Термиз, Қарши, Гулистон давлат университетларининг жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларидан жами 213 киши жалб қилинган.

Тадқиқотнинг шакллантирувчи тажриба-синов босқичида семинар-тренинглар дастури асосида респондент-талабаларнинг – хорижий тилни ўрганиш кўникмасининг ривожланганлик даражалари белгиланди.

Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларида чет тилини ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга оид тажриба ишларини ташкил этишда биз томонимиздан ишлаб чиқилган “Талабаларда нутқий компетентлигини ривожлантириш” методик тавсиялар жалб қилинган олий таълимда дарс берувчи ўқитувчиларининг хулосаларига таянган ҳолда такомиллаштирилиб, талабаларнинг тажриба гуруҳларида бевосита синовдан ўтказилди, назорат гуруҳларида эса одатдаги тартибда, анъанавий иш режаси асосида иш кўрилди.

Тадқиқот ишида тақлиф этилган методика асосида ўтказилган дарслар анъанавий дарсларга нисбатан самарали бўлганида тажриба-синов гуруҳлари талабаларининг ўзлаштириши назорат гуруҳлари талабаларига нисбатан юқори бўлишини тахмин қиламиз. Бу фаразни текшириш учун 1 ва 2-жадвалда келтирилган таълим муассасаларининг тажриба ва назорат гуруҳлари кўрсатган натижаларни ўзаро таққослаймиз.

Тажриба-синовдан олинган миқдорий кўрсаткичларнинг ишончлиги ва илмий тадқиқотларда илгари сурилган фаразларнинг тўғрилигини исбот қилиш учун математик статистик усулларидан фойдаланилди.

Бу фаразни текшириш учун 1-жадвалда келтирилган таълим муассасаларининг тажриба ва назорат гуруҳлари кўрсатган натижаларни ўзаро таққослаймиз.

**Тажриба-синов ишларида қатнашган таълим муассалари ва тажриба,
назорат гуруҳлари талабалари сони**

№	Таълим муассасалари	Умумий талабалар сони	Тажриба гуруҳлари		Назорат гуруҳлари	
			Гуруҳлар сони	Талабалар сони	Гуруҳлар сони	Талабалар сони
1	Термиз давлат университети	85	2	54	1	31
2	Гулистон давлат университети	78	1	27	2	51
3	Қарши давлат университети	50	1	24	1	26
Жами		213	4	105	4	108

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати $X = \frac{\sum x_i m_j}{N}$ деб олинди. Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар 3, 4, 5; қийматларни қабул қилади. m_j - баҳоларнинг такрорланишлар сони, N -тажрибада иштирок этаётган талабалар сони.

Биз қуйидаги математика статистик формулалардан фойдаланиб, тажриба ишлари таҳлилини олиб бордик:

1. Ўртача қийматлар аниқлаш кўрсаткичлари

$$C_S^T = \frac{S_T}{\sqrt{N_T \bar{x}}} \cdot 100\%; \quad C_S^H = \frac{S_H}{\sqrt{N_H \bar{x}}} \cdot 100\%; \quad (1)$$

Бу ерда N_T ва N_H лар орқали ҳар икки гуруҳлардаги талабалар сонини

$$S_T = \sqrt{S_T^2} \quad \text{ва} \quad S_H = \sqrt{S_H^2} \quad (2)$$

лар орқали эса мос стандарт хатоликларни белгиладик.

$$S^2 = \frac{1}{N} \sum_i m_i (x_i - \bar{x})^2$$

танланма дисперсия

2. Ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффициенти

$$\eta = \frac{X_T^*}{X_H^*} \quad (3)$$

Бу ерда X_T^* - тажриба гуруҳи баҳоларининг ўртача арифметик қиймати. X_H^* - назорат гуруҳида ўзлаштириш баҳоларининг ўртача арифметик қиймати.

3. Тажриба-синов ишларида иштирок этган тажриба ва назорат гуруҳлари учун a_T ва a_H ишонч оралиқларини ҳисоблаш формуласи:

$$a_T \in \left[\bar{x}_T - \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T; \bar{x}_T + \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T \right]$$

$$a_H \in \left[\bar{x}_H - \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H; \bar{x}_H + \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H \right] \quad (4)$$

Бу ердаги t – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли p асосида аниқланади. Масалан, $p=0,95$ деб олсак, $t=1,96$.

4. Ўрта қийматларнинг тенглиги ҳақидаги

$H_0: X_T = X_H$ фаразни, унга муқобил (альтернатив) фараз сифатида $H_1: X_T \neq X_H$ олинди.

Агар мазкур ифода бажарилса X_0 фараз қабул қилинади, яъни тажриба гуруҳларида олинган натижалар назорат гуруҳларидаги натижаларга нисбатан самарасиз бўлиб чиқади. Бунинг тескараси бўлса, унга альтернатив бўлган X_1 -гипотеза қабул қилинади, яъни биз илгари сураётган усулнинг самарали эканлиги исбот қилинади.

Ушбу гипотезани текшириш мақсадида Стъудентнинг қуйидаги статистикасидан фойдаланилади:

$$T = \frac{|\bar{x}_T - x_H|}{\sqrt{\frac{S_T^2}{N_T} + \frac{S_H^2}{N_H}}} \quad (5)$$

